

ТИЛШИНОСЛИКДА “КОМПЬЮТЕР ЛИНГВИСТИКАСИ” ТЕРМИНИНИНГ ЭЪТИРОФ ЭТИЛИШИ

Бегжанова А.М.

Қорақалпоқ давлат университети
1-босқич таянч докторанти

Терминшунослик масалалари билан махсус шуғулланган Н.С. Валгинанинг таъкидлашича: “Компьютер лингвистикаси” термини XX асрнинг 60-йилларида пайдо бўлди. Компьютер лингвистикаси тилшуносликнинг бир қисмидир, унинг ўрганиш объекти эса тил ҳисобланади ва вазифалари тил билан бевосита боғлиқдир. Тилни моделлаштириш, табиий тилни қайта ишлаш, нутқ синтези ва бошқалар шулар жумласидан ўрин олади[1].

Юқорида келтирилган маълумотлардан, берилган таърифлар ва тавсифлардан англашиладики, бизнингча, “компьютер лингвистикаси” термини негизда асосан икки йўналишнинг кесимида янги бир соҳа шаклланиши кузатилади. Бироқ, шу ўринда компьютер лингвистикаси соҳасининг ўзига хос асосий йўналишларини қайд этиб ўтишни эътибордан қочирмаслигимиз мақсадга мувофиқ. Булар: терминология, терминография, машина таржимаси, ахборот излаш, компьютер лексикографияси, тил билан боғлиқ бўлган нутқни аниқлаш, уни таҳлил қилиш ҳамда синтез қилиш, компьютер ёрдамида хорижий тилларни ўрганиш муаммоларини ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга.

“Компьютер лингвистикаси” илмий йўналиш ва тенденция сифатида Европада XX асрнинг 60 - йилларида эътироф этилган. Инглизча “**computational** [ˌkɒmpjə'teɪʃ(ə)n(ə)l]” лексемасига эътибор бериб, таҳлил қилинса, у сифат сўз туркумига мансуб бўлиб, “ҳисоблаш”га оид маънони ўзида акс эттиради. Юқорида таъкидланганидек, айрим илмий адабиётларда “компьютер лингвистикаси” терминини “ҳисоблаш лингвистикаси” атамаси орқали қўллаш ҳолатлари ҳам учрайди. Бироқ, рус олимлари томонидан нашр этилган адабиётларда биров торроқ маънони ифодалаб, “*квантитатив лингвистика*” маъносида ҳам учрайди. Ваҳоланки, баъзи амалий тадқиқотларда тил ва нутқнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда асосий восита тарзида кўриладиган фанлараро йўналиш сифатида тавсифланувчи “*квантитатив лингвистика*” эса “*комбинатор лингвистика*”га нисбатан қарама-қарши қўйиб ўрганилиши кузатилади. “Компьютер лингвистикаси” илм-фан тараққиёт босқичларида асосий йўналиш ҳисобланиб, у инсонларнинг мулоқотини

TIL HÁM AWDARMA MÁSELELERI

V ilimiy maqalalar toplami

моделлаштириш жараёнлари билан узвий боғланади. Бунда аввало, инсоннинг табиий тил билан компьютер ёки электрон ҳисоблаш машинаси (ЭВМ) ўртасидаги ўзаро мулоқот таъсирини таъминлаш, шунингдек, ахборот (информацион) қидирув тизимига оид маълумотларни назарий ва амалий жиҳатдан қайта ишлашни таъминлаш мақсад қилинган.

Тадқиқот манбаларида қайд этилишича, ўзбек тилидаги “**табиий тилни қайта ишлаш** (инглизча: Natural Language Processing)” термини ва тушунчаси 1960 йилларнинг охирида компьютер лингвистикасининг алоҳида бир йўналиши сифатида майдонга чиқди ва илмий технологик йўналишнинг мустақил фан тармоғи сифатида хорижий давлатларда ривож топди[2]. Бугунги кунга келиб бу ишларни амалга оширишда фанга ўзининг аҳамиятли ҳиссасини қўшган олимлар сифатида Р.Шенка, М.Лебовица ҳамда Т.Виноградовлар алоҳида эътироф этилади.

Англашиладики, компьютер лингвистикасининг қўлланилиши натижасида вужудга келган “*табиий тилни қайта ишлаш*” термини тилга оид маълумотларни қайта ишлаш жараёни билан узвий боғлиқ тушунчани ифодалаб келадиган лексик бирлик сифатида кенг қамровли маънога эга эканлиги билан изоҳланади. Бироқ, баъзи бир мутахассислар томонидан эса бу тушунчага нисбатан торроқ нуқтаи назар орқали ёндашган ҳолда уни фақат конкрет технологик тизимларга оид муайян методларни яратиш, қайта ишлаш ва табиий тил воситасидан фойдаланувчи инсонни компьютер билан ўзаро муносабатини таъминлаш назарда тутилганлигига ишора қилинади[3]. Тилшунос олим Л.Л. Нелюбиннинг “**компьютер лингвистикаси**” терминига берган таърифига кўра: “Компьютер лингвистикаси – табиий тил моделларини ишлаб чиқувчи, уни тушунишда ва танишда информатика билан тилшуносик тизимлари “чорраҳасида” кесишган фан бўлиб, мазкур соҳада ишлатиладиган иловалар ва дастурлар яратишда сунъий интеллектдан фойдаланади. Булар қаторига алгоритмлар, маълумотлар тузилмалари, билимларни ифодалашнинг расмий ва аниқ моделлари, хулоса чиқариш жараёнлари моделлари ва бошқалар киради”[4].

Тадқиқот материалларининг таҳлили натижалари асосида шуни айтишимиз мумкинки, “**компьютер лингвистикаси**” – деганда, компьютер лингвистик тадқиқотларига оид назарий асосларини яратиш матннинг лингвистик семантикасида ўзига хос алгоритмларни яратиш мақсадида тилни объектив белгилар тизими сифатида ўрганувчи фан эканлиги билан изоҳланади. Аслида, бу тушунча математик тилшуносликда семиотика, яъни лисоний белгилар

TIL HÁM AWDARMA MÁSELELERI

V ilimiy maqalalar toplami

тизимлари умумий назариясининг бир қисмидир. Компьютер лингвистикасининг назарий мақсадларидан яна бири шундан иборатки, тилга боғлиқ бўлган синтактик ва семантик таҳлилни синтезлаш мумкин бўлган тарзда тилларни тавсифлаш учун грамматик ва семантик асосларни шакллантиришни ўз ичига олади. Бинобарин, мазкур икки тамойил ҳам тилшунослик учун муҳим бўлган жиҳатлардан саналади.

Шунингдек, “компьютер лингвистикаси” термини баъзи ҳолатларда гипер матн тизимини яратиш, умуман олганда матнни тартибга солишнинг янги усули масаласи билан боғлиқ ҳолда ўрганилиши ҳам кузатилади. Таъкидлаш жоизки, XX асрнинг 80-90 йилларига келиб компьютер лингвистикаси негизда тилга оид маълумотларнинг структур-синтактик тузилиши ҳамда уларнинг умумий лисоний тамойилларини замонавий компьютер технологиялари асосида ишлаб чиқиш натижасида “корпус лингвистикаси” номли янги йўналиш пайдо бўлди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда “компьютер лингвистикаси” билан боғлиқ жараёнлар, механизмлар ва мазкур соҳа доирасида ишлатиладиган термин ва тушунчаларни оғзаки мулоқотда ҳамда ёзма дискурсда қўлланилиши кун-сайин ривожланиб, фаоллашмоқда. Бундан ташқари, хорижий давлатларда, хусусан, Россия Федерацияси ва АҚШда, шунингдек, Европа давлатларида мазкур йўналиш анча тараққий этган соҳалардан бири эканлигини гувоҳи бўламиз. Ушбу йўналишга бағишланган кўплаб нашрлар, адабиётлар, газета ва журналларни чоп этилаётгани фикримизни далиллайди. Масалан, АҚШда 1984 йилдан бери ҳар чоракда нашр қилинадиган “**Computational Linguistics - Компьютер лингвистикаси**” номли илмий-услубий журналнинг кўп ададда чоп этилиши мазкур соҳага бўлган эътиборни янада кучаяётганидан дарак беради. Шунингдек, АҚШда ҳар икки йилда бир марта компьютер лингвистикаси соҳасида фаол қўлланиладиган тил ва нутқ бирликлари таҳлилига бағишланган *CoLing* (CoLing) ҳамда ҳар йили ўтказиладиган “*Dialogue - диалог*” номли халқаро конференциялари ўтказилади. Мазкур конференцияларда компьютер лингвистикаси соҳаси бўйича кўзга кўринган компьютер лингвист олимлар ва етук мутахассислар ушбу соҳанинг истиқболли ривожланиш тенденциялари, сунъий интеллектнинг тадрижий ривожланиш босқичлари билан боғлиқ жиддий муаммоларни кенг қамровли тарзда муҳокама қилишади. Бундай глобал ва кенг кўламдаги тадбирларни Россия Федерациясининг ЯНДЕКС компанияси томонидан ҳам амалга оширилаётганини эътироф этиш ўринли, деб ҳисоблаймиз.

TIL HÁM AWDARMA MÁSELELERI

V ilimiy maqalalar toplami

Адабиётлар:

1. Валгина Н.С. Системно-аспектуальное функционирование компьютерной терминологии. Автореф. дисс... канд. филол. наук. М., 2009. 35 с.
2. Ташпулатова М. О. Влияние интернет сленгов на речевую культуру молодёжи. 2021. Научный вестник НамГУ, 379-382.
3. Нелюбин Л.Л. Компьютерная лингвистика и машинный перевод. – М.: ВЦП, 1991, 151 с.
4. Нелюбин Л.Л. Компьютерная лингвистика и машинный перевод. – М.: ВЦП. 1991. 251 с.